

Ҳаж зиёрати ўз ниҳоясига етди



05:27 / 24.08.2018 4525

Макка ва Мадина шаҳарларида жорий йилдаги ҳаж мавсуми жиддий, нохуш ҳодисаларсиз ўз якунига етди, дея хабар беради [Ўзбекистон мусулмонлар идораси](#) расмий сайти.

Зиёратчиларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат мамлакат Ички ишлар вазирлиги, балки фуқаро муҳофаази ва куч тузилмаси ходимлари ҳам жалб этилди. Мавсум давомида офтоб уриши ва қаттиқ чарчаш оқибатида тиббий ёрдам сўраб 10 минг одам мурожаат қилган.

Жорий йилда Саудия Арабистонига ҳаж зиёрати учун 2 миллиондан ортиқ киши келди. Улардан 90 фоизи бошқа мамлакатлардан келган.